


Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
**“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye
markazi”** давлат унитар корхонаси
фаолияти ва уни тартибга солувчи норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси ташкил этилишининг тарихи

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУКнинг **биринчи радиостанцияси 1915 йили** Тошкентда Германиянинг “Siemens&Halske” компанияси томонидан куриб (ҳозирги “Фаргона йўли” кўчаси, 15-а манзилида жойлашган бўлиб “ЭМММ” ДУКга тегишли), ишга туширилган ва Москва билан Ўрта Осиё давлатлари орасида ахборот алмашиш йўлга кўйилган.

Ўтган даврда Тошкент кувватли радиостанцияси турли давлат идоралари таркибида фаолият юритган.

- 1921 йил Туркистон почта ва телеграф халқ комиссариатида қаромоғида бўлган;
- 1928 йил Ўрта Осиё Алоқа бошқармаси бошқарувига ўтказилган;
- 1931 йил Ўрта Осиё Иқтисодий уюшмаси қошидаги Почта ва телеграф халқ ваколати комиссариати бошқармаси ихтиёрига берилган.
- 1937 йил ЎзССР Алоқа халқ ваколати комиссариати тасарруфига олинди;
- 1941 йил ЎзССР Алоқа халқ комиссариати тасарруфидаги “Ўзбекистон радиоалоқа ва радиоэшиттириш бошқарув дирекцияси” деб қайта ташкил этилди;
- 1955 йилнинг Ўзбекистон Республикаси радиомарказига (ЎзРРМ) айлантирилиб, ЎзССР Алоқа вазирлиги ихтиёрига ўтказилган;
- 1978 йил ЎзССР Алоқа вазирлиги қошида Республика Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоғи (РРТТ) ташкил этилган.



- 1986–1999 йилларда “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение” ишлаб чиқариш бирлашмаси;
- 2000-2003 йилларда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси;
- 2003 йилда “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси ташкил қилинган.




“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси асосий фаолиятини белгиловчи ҳукуқий ҳужжатлар

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини 2020 йил 17 мартдаги 142-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” давлат унитар корхонаси” Устави асосида амалга оширади.

“RRTM” ДУК Вазирлик тизимидаги корхона ҳисобланади ва ўз фаолиятида Вазирлик раҳбарияти ёки вазирлик Марказий аппарати тузилмалари томонидан берилган кўрсатма ва топшириқларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилишини таъминлайди. Вазирлик эса “RRTM” ДУКнинг ягона муассиси ва ягона юқори турувчи-мувофиқлаштирувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

“RRTM” ДУК қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда Вазирлик олдидаги мажбуриятларини, тасдиқланган бизнес-режасидаги ишлаб чиқариш режаларини, шунингдек молиявий-хўжалик фаолияти бўйича белгиланган таҳлилий ва статистик кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлайди ва ўрнатилган тартибда ваколатли давлат бошқаруви органларига ҳисобот беради.

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК ташкилий тузилмаси



Ходимлар сони жами 1048

Шундан: Олий маълумотли – 34%

Ўрта махсус маълумотли – 48%

Ўрта маълумотли - 18 %

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК фаолиятини амалга ошириш лицензияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
 VA KOMMUNIKATSİYALARNI
 RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
 ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
 И КОММУНИКАЦИЙ
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**LITSENZIYA
 ЛИЦЕНЗИЯ**

AA № 0008200

Лицензия turi / Типовая
 Вид лицензии

Berilgan sana / Дата выдачи
 11 февраля 2021 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии
 01.01.2021 г. саш 01.01.2026 г. gacha

Litsenziyaning nomi / Наименование Лицензиата
**Государственное унитарное предприятие
 «РАДИОALOQA, RADIOESHITTIRISH
 VA TELEVIDENIYE MARKAZI»**

Litsenziyaning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата
 Toshkent, Yulysabiquloviy rayon, ul. Amir Temur, d. 109A
 № 20210000200155263001 в АК «Алоқабанд» МҲФ 09401, ИНН 200623402

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI.
 НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и
 оказание услуг сетей распространения телерадиопередач
 Проектирование и строительство сетей
 распространения телерадиопередач

01.01.2021 г. – без ограничения срока
 действия при условии лицензионном соглашении

Litsenziyaning imzosi / Подпись руководителя
 [Подпись]

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: 0 dan 70 gacha uzaytirildi

M.O. / Подпись руководителя
 M.I.L.

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: 0 dan 70 gacha uzaytirildi

M.O. / Подпись руководителя
 M.I.L.

Reestr № 59

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 25.05.2000 йилдаги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2021 йил 11 февралда “Телерадиодастурлар тармоқларини лойihalаш, қуриш, ундан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш” фаолияти турига берилган лицензия асосида фаолият олиб боради.

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК ISO 9001:2015 сертификатларига эга бўлган



СЕРТИФИКАТ



Орган по сертификации «CERT INTERNATIONAL» s.r.o., основываясь на результатах аудита, проведенного в соответствии с процедурами сертификации, подтверждает, что система менеджмента организации:

ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения» с филиалом (см. Приложение к сертификату)

Республика Узбекистан, 100202, город Ташкент,
Юнусабадский район, улица Амира Темура, 109 А

в области:

Услуги трансляции (распространение)
телевизионных и радиовещательных программ

соответствует требованиям стандарта:

ISO 9001:2015

Сертификат №: QMS-0167/C
Заказ №: 393/04
Действителен с: 02.02.2021
Действителен до: 01.02.2024
(при условии прохождения ежегодных наблюдательных аудитов)



Руководитель
Органа по сертификации
02.02.2021



СЕРТИФИКАТ



Орган по сертификации «CERT INTERNATIONAL» s.r.o., основываясь на результатах аудита, проведенного в соответствии с процедурами сертификации, подтверждает, что система менеджмента организации:

«Ташкентский радиотелепередающий центр» филиал ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения»

Республика Узбекистан, 100202, город Ташкент,
Юнусабадский район, улица Амира Темура, 109

в области:

Услуги трансляции (распространение)
телевизионных и радиовещательных программ

соответствует требованиям стандарта:

ISO 9001:2015

Сертификат №: QMS-0167/1/C
Заказ №: 393/04
Действителен с: 02.02.2021
Действителен до: 01.02.2024
(при условии прохождения ежегодных наблюдательных аудитов)



Руководитель
Органа по сертификации
02.02.2021



“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК телерадиокомпанияларга хизмат кўрсатишни тартибга солувчи асосий норматив ҳуқуқий ҳужжат

TELEKOMPANIYALAR



RADIOKANALLAR



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 сентябрда 1409-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом” талаблари асосида телерадиоэшиттириш фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга ҳамда Оммавий ахборот воситалари рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома ва тасдиқланган тарифлар асосида хизмат кўрсатилади.

“RRTM” ДУК ягона телерадио дастурларни узатиб, тарқатувчи бўлганлиги боис барча телерадио хизматларни кўрсатиш бўйича тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат

1. Қонунлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс,
- Ўзбекистон Республикаси “Алоқа тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Телекоммуникация тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Метрология тўғрисида тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни,
- Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни,

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли телекўрсатувга техник ва технологик жиҳатдан ўтишнинг Давлат дастури тўғрисида” ПҚ-1741-сонли Қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2157-сонли Қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080-сонли Фармони,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “О мерах по совершенствованию порядка распространения теле-радиопродукции зарубежных средств массовой информации на территории Республики Узбекистан” 277-сонли Қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли телеэшиттиришга ўтиш ва ер усти аналог телеэшиттиришларни тўхтатишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 502-сонли Қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 293-сонли Қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1547-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг “Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 1547-сонли буйруғи,
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 сентябрда 1409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг “Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радио эшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 286-сон буйруғи
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 28 январда 1211-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид норматив ҳужжатни амалга киритиш тўғрисида”ги 1547-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби ҳақида”ги Низом



“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК КОНЦЕПЦИЯСИ

- Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телевизион ва овоз эшиттиришни жорий қилиш концепцияси,
- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш концепцияси,
- Ўзбекистон Республикаси Радиочастота спектридан фойдаланиш концепцияси
- Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланиши тизимларини яратиш ва ривожлантириш концепцияси

Бундан ташқари, Халқаро стандартлар, Давлат стандартлари, Раҳбарий ҳужжатлар, Қоидалар, Соҳага оид стандартлар, Методик кўрсатмалар, Идоравий қурилиш нормалари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини юритади.

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК АСОСИЙ МАҚСАДИ

- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида телерадиодастурларни аналог ва рақамли форматда тарқатиш ва трансляция қилишни ташкил этиш, бошқариш, шу жумладан радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш;
- телерадиодастурларни аналог ёки рақамли форматда тарқатиш ва трансляция қилишни ташкил этиш, бошқариш, шу жумладан радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини доимий мониторинг қилиш бўйича ягона бошқарув тизимини яратиш;
- манфаатдор ташкилотларга шартнома асосида радиоалоқа хизматларини кўрсатиш;
- “алоҳида давр” ва фавқулодда ҳолатларда радиоалоқа тармоқларининг ўзаро муносабатларини ташкил этиш;
- телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш.



“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- а) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш, уларнинг барқарор ва сифатли ишлашини таъминлашда замонавий телекоммуникация технологияларидан, шу жумладан ахборот, компьютер ва медиатеchnологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;
- б) мулкчилик шаклидан қатъи назар телерадио ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини етказиб бериш хизматларини кўрсатиш;
- в) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини, техник воситалари, узатиш қурилмалари, техник бино ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларини ривожлантириш, кенгайтириш, қайта қуриш ва замонавийлаштириш;
- г) инвестиция ва қурилиш, шу жумладан таъмирлаш ва мукамал таъмирлаш лойиҳаларини ҳамда инвестиция ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича истиқболли устувор йўналишларни аниқлаш ва белгилаш;
- е) радиоалоқа ва минора иншоотлари, антенна ва мачта қурилмаларини, энергия таъминот тизимларидан техник фойдаланиш қоидалари, низомлари, йуриқномалари ва меъёрий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ё) радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш, асосий йўналишларни белгилаш ва такомиллаштириш;

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ХУҚУҚЛАРИ

- фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва вазирлик ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажариш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телерадиодастурларни тарқатиш (узатиш) хизматини амалга ошириш;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликда қўшма радио ва телевизион студиялар ташкил қилиш, фаолиятини назорат қилиш;
- амалдаги қонунларга биноан хўжалик шартномалари, келишувлар, битимлар тузиш йўли билан белгилаш;
- Вазирлик билан келишган ҳолда шўъба корхона ва радиотелеузатиш марказлар ташкил этиш, шунингдек чет эл сармояларини жалб қилган ҳолда ўз улуши билан қўшма корхона ташкил этиш ва муассис сифатида таркибига киритиш;
- мулкӣ-номулкӣ низолар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича тарафлардан бирининг шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида юзага келган низолар судларда кўрилаётганда даъвогар ёки жавобгар сифатида ўз вакилини жалб қилиш ва кўзғатилган даъвони таъминлаш чораларини кқриш.
- “RRTM” ДУК амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга, ваколатларга эга бўлиши мумкин.




“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК МАЖБУРИЯТЛАРИ

- Вазирлик ва бошқа ташкилот, корхона, муассаса ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан фахатгина мазкур уставда кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун “RRTM” ДУК балансига ўтказилган ёки бириктирилган ва “RRTM” ДУК томонидан қабул қилинган айланма ва асосий воситалардан, бошқа мол-мулклардан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ва Вазирлик (Вазирлик хайъати) ҳужжатларида кўрсатилган тартибда фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш;
- молиявий-хужалик фаолияти якунлари (чорак, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик) бўйича тегишли давлат бошқарув органларига ва Вазирликка даврий ҳисоботлар (баланслар) топшириш;
- Ўзбекистан Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга туланиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаш;
- юридик ва жисмоний шахсларга радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение хизматларини юқори ва сифатли даражада кўрсатиш ишларини таъминлаш;
- тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни кредиторларга нисбатан тегишли суд орқали даъво қўзғатиш йўли билан мажбурий ундириш чораларини кўриш;
- “RRTM” ДУК амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.
- Вазирлик “RRTM” ДУК Бош директорига корхонанинг устав фаолиятини амалга ошириш ва бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча мажбуриятларни юклаши мумкин


“RRTM” ДУК тасарруфидаги антенна-мачта иншоотлари

МАРКАЗНИНГ ЭНГ БАЛАНД АНТЕННА МАЧТА ИНШООТЛАР




Марказ бугунги кунда “RRTM” ДУК Ўрта Осиёда телерадиоэшиттиришни энг катта тармоғига эга бўлиб, **126 та** антенна-мачта иншоотлардан иборат, шундан 28 таси 100 м баланд бўлган антенна-мачта иншоотлар ҳисобланади.

“RRTM” ДУК ишлаб чиқариш зарурияти билан харид қилинган махсус транспорт воситалари



Денгиз сатҳидан энг баланд нуқталарида жойлашган **Лангар РТС (1960 м)** ва **Қўйтош РТС (1892 м)** телерадиоузаткичларни узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида ва зарур техник қурилмаларни жойларга олиб чиқиш ёки олиб тушиш мақсадида Вазирлик ташаббуси билан АКТРЖ маблағлари ҳисобидан Россия федерацияси ишлаб чиқилган **2 та комплект занжирли махсус ишлаб-чиқариш технологик транспорт воситаларини харид қилинди.**



“RRTM” ДУК ишлаб чиқариш зарурияти билан харид қилинган махсус транспорт воситалари



Жойлардаги РТСлар чўл, тоғли худудларда, турли баландликда жойлашган. Бу ерда хизмат қиладиганлар табиат инжиқликлари билан олишиб ишлашга, 10-15 кунлаб оиладан узокда меҳнат қилишларига тўғри келади.

Ишчи ходимларни оператив равишда юзага келиши мумкин булган авария ёки техник тўхталишларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ҳар бир худудий РТУМларга тоғли ва етиб бориш қийин бўлган худудларга мўлжалланган йўлтанламас махсус автотранспорт воситалари харид қилинди.

Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение жорий этилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш учун япония халқаро ҳамкорлик банки ва япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2157-сон қарори асосида «NEC», «RONDE & SCHWARZ» компаниялари томонидан ишлаб чиқилган **юқори қувватли (0,5 кВт – 5 кВт)** ҳамда **кам қувватли (0,03 ва 0,05 кВт)** телеузаткичлар келтирилиб, республика худудларида ўрнатилган.



Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение жорий этилиши (2008-2015 й.й.)

Рақамли телеузаткичларни куйидаги РТСларда ўрнатилган:

- 2008 йил - Тошкент, Бухоро;
- 2010 йил – Тошкент, Чупон-ота;
- 2011 йил – Андижон, Одамтош, Урганч, Нукус;
- 2012 йил – Ланган, Вахшивар;
- 2013 йил – Қуқон, Тошкент, Ангрен, Бекобод, Гулистон, Қуйтош;
- 2014 йил Учқизил;
- 2015 йил Нуробод, Фарғона.




Республика бўйлаб мавжуд РТСларда
жами **21** та юқори қувватли рақамли
телеузаткичлар ўрантилган.

Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение жорий этилиши (2016-2017 й.й.)




Рақамли телесигналларни шакллантириш ва РТСлардаги телеузаткичларга етказиш схемаси



Ўзбекистон Республикаси аҳолисини қамраб олинганлиги тўғрисида маълумот

“Ўзбекистон Республикаси ер усти рақамли телевидение тармоғини ривожлантириш” инвестицион лойиҳаси доирасида Республикада рақамли телевидениега ўтиш ишлари босқима-босқич амалга оширилиб, 2016 йилда аҳолини рақамли телевидение дастурлари билан қамрови 88 %га етказилди, **2017 йил** якунига келиб рақамли теледастурлар билан қамрови **100%**га етказилди.



“RRTM” ДУК тасарруфидаги телерадиоузаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисини қамраб олинганлиги тўғрисида маълумот

Телерадиоузаткичлар тўғрисида маълумот


РАҚАМЛИ ТЕЛЕУЗАТКИЧЛАР



ФМ РАДИОУЗАТКИЧЛАР




4 та Давлат радио каналлари қамрови фоизда



РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ҚАМРОВИ ФОИЗДА



Вилоятлар радио каналлари қамрови фоизда



Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рақамли телевидения дастурлари билан қамрови

№	Вилоят	Ўрнатилган рақамли телеузаткичлар		Рақамли телевидение қамрови %			Uzdigital TV		
		Юқори қувватли	Кам қувватли	13 та телеканал	6 та нодавлат телеканаллар	Маҳаллий нодавлат телеканаллар	1-ёпиқ пакет	2-ёпиқ пакет	3-ёпиқ пакет
1	Андижон	4	9	100	99,93	99,72	98,31	98,31	0
2	Наманган	6	15	100	99,93	99,5	74,58	74,58	0
3	Фарғона	10	8	100	99,99	93,15	93,15	93,15	0
4	Тошкент ш.	7		100	100,0	0	100,0	100,0	100,0
5	Тошкент	8	27	100	98,89	0	88,61	88,61	79,72
6	Сирдарё	3		100	100,0	0	100	100	0
7	Жиззах	6	53	100	93,54	85,85	88,00	60,31	0
8	Самарқанд	8	28	100	95,19	0	63,13	63,13	47,5
9	Навоий	13	39	100	92,00	65,5	50,00	50,00	0
10	Бухоро	10	4	100	97,05	67,69	86,92	62,31	0
11	Қашқадарё	11	85	99,86	97,00	75,57	63,93	34,29	0
12	Сурхандарё	10	80	100	97,00	97,21	95,93	88,57	0
13	Хоразм	5	2	100	100,0	99,27	98,31	90,31	0
14	Коракалпоғистон Республикаси	13	9	100	100,0	72,00	78,67	50,33	0
	Умумий:	114	359	100	97,89	59,81	84,25	75,28	16,87

Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение жорий этилишининг самарадорлиги



1. Частотат ресурслардан оқилона фойдаланиш, яъни 1 та ТВК орқали 1 та аналог форматда телеканал эфирга тарқатилган бўлса рақамлида 1 та ТВК орқали 20 та рақамли телеканалларни эфирга тарқатиш имкони юзага келди



2. Узатилаётган тасвир ва товуш сифатини яхшиланиш, яъни ташқи таъсирлар сезиларли даражада камайиб, тасвирнинг равшанлигига эришилди ва буни товуш сифатида ҳам кўриш мумкин.

ТЕЛЕКОМПАНИЯЛАР



3. Янги телеканаллар фаолиятни эфирга чиқиш имконияти яратилди, яъни рақамли телевидение жорий этилиши мавжуд техник муаммоларни ечими сифатида кўрилиб, янги телеканалларни ташкил қилиш ва эфирга узатилиш имконияти юзага келди.



4. Электр энергия тежамкорлиги, яъни рақамли телеузатгичлар қурилмаларни энергия тежамкорлиги ва замонавий дизель генераторларнинг ёқилғи сарфи камлиги боис телеэшиттириш тармоғини ишлаши учун сарфланадиган ҳаражатларнинг ўз навбатида бир неча борабар камайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг радиоканаллар дастурлари билан қамрови

Т/р	Вилоят	Аҳоли сони (минг киши)	Ўрнатилган радиоузаткичлар сони		Радиодастурлар қамрови %				
			Юқори қувватли	Кам қувватли	О'zbekiston	Yoshlar	Mahalla	О'zbekiston 24	Махаллий радио (обл.РВ)
1	Андижон вилояти	3180,3	5	4	100,00	98,31	97,50	0,00	92,69
2	Наманган вилояти	2865,0	11	11	100,00	97,50	94,17	0,00	65,42
3	Фарғона вилояти	3814,3	4	12	99,98	92,89	81,58	0,00	45,00
4	Тошкент. ш	2560,7	4	-	100,00	100,00	100,00	100,00	0,00
5	Тошкент вилояти.	3014,1	4	23	100,00	93,33	88,89	87,22	0,00
6	Сирдарё вилояти	855,0	2	-	100,00	98,18	100,00	0,00	96,45
7	Жиззах вилояти	1410,2	10	30	100,00	96,54	85,31	0,00	30,00
8	Самарқанд вилояти	3948,3	8	19	100,00	82,81	90,56	0,00	48,44
9	Навоий вилояти	982,8	12	34	100,00	89,50	55,00	0,00	93,50
10	Бўхоро вилояти	1942,5	13	5	100,00	76,92	80,08	0,00	59,62
11	Қашқадарё вилояти	3287,0	12	47	100,00	96,14	88,93	17,86	49,07
12	Сурхондарё вилояти	2621,1	9	69	99,95	97,50	94,20	0,00	88,21
13	Хоразм вилояти	1871,1	8	-	100,00	99,50	92,31	0,00	100,00
14	Қорақалпоғистон Р.	1923,8	19	6	100,00	99,47	97,62	0,00	97,40
Умумий		34276,2	121	260	100,00	94,19	89,01	14,65	61,84

“Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi” ДУК келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар



1. Ангрэн РТСни оптимал нуқтага кўчириш, РТСларни оптимизация қилиш ишларини давом эттириш мақсадида, Ангрэн РТСни янги нуқтага кўчириш ишлари ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида Новгарзон қишлоғи тепалигидаги янги жой аниқланди. Дастлабки ўлчов натижаларига кўра Ангрэн шаҳри, Охангарон тумани (Нуробод ва Шоугаз) ҳудудларида рақамли сигналлар қамровини яхшилаш, тижорат телеканаллари сонини ошириш ва 3 та кам қувватли РТСларни оптималлаштиришга эришилиши кутилмоқда.



2. Тошкент телеминораси коррозияга қарши бўяш ишларини корхона маблағлари ҳисобидан 2-3-босқичларини амалга ошириш.

3. Тошкент телеминораси электр энергия таъминот тизимини модернизация қилиш.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!**